



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG‘I

20 21 yil “03” 08

№ 186

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 32-сонли ва 2019 йил 15 ноябрь куни ўтказилган 50-сонли йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш тўғрисида” 2020 йил 27 февралдаги 45-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 678-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 32-сонли ва 2019 йил 15 ноябрда ўтказилган 50-сонли йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш тўғрисида” 2020 йил 27 февралдаги 45-сон буйруғига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А. Хаджибаев

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси  
Президенти раҳбарлигида 2019 йил 12 август куни ўтказилган видеоселектор  
йиғилишининг 32-сонли ва 2019 йил 15 ноябрь куни ўтказилган 50-сонли йиғилиш  
баёнлари ижросини таъминлаш тўғрисида” 2020 йил 27 февралдаги  
45-сон буйруғига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. а) 1- илова қўйидаги мазмундаги 2-банд билан тўлдирилсин:

№	Хизматлар	ҚҚСсиз хизматлар нархлари	
		АҚШ доллари	евро
2*	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган дори воситасининг бир дори шаклини рўйхатдан ўтказиш:	5390	4895

\*қўшимча равишда: ҳар бир доза учун, ҳар хил таъмдаги қўшимчалар ва хушбўйлаштирувчи турлари учун, ягона бирламчи ўрамдаги ёки ягона иккиламчи ўрамда жойлашган алоҳида бирламчи ўрамдаги ҳар бир дори воситаси учун ҳар бир дори бир дори шаклини рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказиш нархининг 40% ни тўлаш кўзда тутилган.

б) 1- илованинг 2-7-бандлари мос равишда 3-8-бандлари деб ҳисоблансин.

2. а) 2-илова қўйидаги мазмундаги 6 ва 7- бандлар билан тўлдирилсин:

Хорижий ишлаб чиқарувчилари томонидан тиббий техника ва тиббий буюмларни давлат рўйхатидан ўтказиш аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун хизматлар  
Прейскуранти

№	Тиббий буюмлар ва тиббий техника номи	ҚҚСсиз хизматлар нархлари	
		АҚШ доллари	евро
<b>6*. Тиббий техника ва тиббий буюмларни тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш</b>			
6.1	Тиббий техника	755	690
6.2	Тиббий буюмлар**	715	650
6.3	Гемодиализ ва бошқалар учун сарф материаллари (гемоконцентратлар, концентратлар)	670	605
6.4	Ташхис воситалари, реагентлар тўплами ва бошқа лаборатория ташхис воситалари	670	605
6.5	Гиалурон кислотаси асосидаги тиббий буюмлар, филерлар, бошқалар	670	605

6.6	Яраларни битирувчи воситалар (геллар, мойлар ва бошқалар)	670	605
6.7	Ювиш ва чайиш учун эритмалар ва воситалар, бошқалар (томчилар, суюкликлар, спрейлар ва бошқалар)	670	605
6.8	Юмшоқ ва қаттиқ контакт линзаларини тозалаш ва сақлаш учун воситалар ва эритмалар	670	605
6.9	Офтальмология учун махсус воситалар (кўз томчилари, силиконли мой, кўзнинг шилимшиқ қисмини вақтинча алмаштирувчи офтальмологик материал, юқори эластик офтальмологик эритмалар, бошқалар )	670	605
6.10	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун махсус воситалар (эритмалар, геллар, шамчалар, суртмалар ва бошқалар)	670	605
6.11	Махсус харорат талаб қилинувчи инфузион эритмаларни сақлаш учун сумкалар, контейнерлар, препаратларни ташиш учун сумкалар	670	605
<b>7*. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган «in vitro» ташхис буюмларини тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш</b>			
7.1	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган ташхис воситалари, реагентлар тўплами ва бошқа лаборатория ташхис воситалари	830	755

б) Изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Изоҳ:

\*Тиббий буюмнинг бир неча модификацияси бир вақтда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилганда ҳар бир модификацияни тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказишда ҳар бир ном учун рўйхатдан ўтказиш нархининг 40% ни тўлаш кўзда тутилган.

\*\*Прейкурантнинг мазкур иловасида келтирилган 6.3-6.11 кичик бандлари бундан мустасно”.